



ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Нефтьгазқурилиштаъмир» АЖ (адресат) реқвизитларин:

№90

Бухоро шаҳри, Б.Нақибанд кўчаси; 160/1-уй; СТИР-201 514 248; Саноат Қурилиш банк Бухоро минтақавий филиали; МФО-00086; х/р: 2021 0000 7004 8730 2001.

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти реқвизитлари:

100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-уй, Tel: 236-11-60, 236-24-32, osiyov-audit@mail.ru, серия АФ № 00817-сонли 17.04.2019 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси; 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳнома, АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

МChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмаилов Адилбек Матчанович.

Мен МChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори «Нефтьгазқурилиштаъмир» АЖ нинг «Бухгалтерия баланси»-1-шакл, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»-2-шакл, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот»-4-шакл; «Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот»-5-шакл; Тушунтириш хатидан иборат 2019 йил (1 январдан 31 декабрғача) ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини 25.08.2020 йилдаги 90-шартнома асосида мажбурий аудит текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

«Нефтьгазқурилиштаъмир» АЖ нинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

МChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Нефтьгазқурилиштаъмир» АЖ илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишонччилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Нефтьгазқурилиштаъмир» АЖ нинг молиявий ҳисоботи 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний ақс этказади ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор

Аудитор

2020 йил "29" август



А.Исмаилов

А.Исмаилов